

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgz.uz, uzss@yandex.ru • 2018 йил 3 август • № 31 (1208)

## ХАЛҚ РОЗИЛИГИ — ОЛИЙ САОДАТ

Бугун мамлакатимизда аҳоли саломатлигини асраш йўлида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада давлатимиз томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Улар ижросини таъминлаш мақсадида соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган туб ислохотлар тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ишчи гуруҳи тасарруфидаги Қўшма қарор, “Обод маҳалла” дастури ижроси ва Халқ таълими, Мақтабгача таълим вазирликлари, Ўрта махсус касб-хунар марказлари ҳамда маҳалла фаолларининг ҳамкорлигида жойларда ташкил этилган «Саломатлик мактаблари» фаолияти доирасида аҳолини соғломлаштириш борасидаги эзгу ишлардан халқимиз мамнун. Хусусан, бирламчи бўлган тизимдаги тиббиёт муассасалари томонидан ҳар бир маҳаллада ўтказилаётган чуқурлаштирилган тиббий кўрикларда аини шу ҳақиқат ўз ифодасини топомқда.



## АФШОНА ҚИШЛОҒИДА НОЁБ МАЖМУА БУНЁД ЭТИЛАДИ

**Бухоро вилоятининг Пешку туманида – буюк аждодимиз Абу Али ибн Сино туғилган Афшона қишлоғида йирик мажмуа барпо этилади.**

Президентимизнинг жорий йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2017 йил 19 майдаги “2017-2019 йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилоятининг сайёҳлик салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида жаҳон илм-фани тараққиётига бекиёс ҳисса қўшган буюк алломанинг бой меросини намойиш этиш, одамларни соғлом турмуш тарзига ундаш, ҳудудга сайёҳлар оқимини кўпайтиришга хизмат қиладиган йирик объект барпо этиш кўзда тутилган.

Умумий майдони 5 гектардан иборат мажмуадаги ҳар бир

объект ўзига хос бўлади. Айниқса, каттагина ўрин эгаллайдиган Халқ таъбири марказида буғли эффектга эга тош ҳаммом, оёқ касалликларига қарши яхши наф берадиган сандал, зулук олиш, уқалаш хизматлари ташкил этилади. Шифобахш гиёҳларга тўйинган чорва моллари сутидан қатик, қаймоқ ва мева-сабзавот шарбатлари, шунингдек, гиёҳ ва дуккакли дон дамламалари тайёрланади. Беморлар асал, туз, ўсимлик мойи билан муолажа олиб, тоза ҳавода сайр қилади.

Худудда барпо қилинадиган экзобот ҳам меҳмонлар эътиборини тортиши шубҳасиз. Бу ерда Абу Али ибн Сино томонидан хусусиятлари алоҳида таърифланган ўрик, ёнғоқ, анжир, жийда каби мевали дарахтлар ҳамда хушбўй гуллар парвариш қилинади. Боғ ҳудудида от ва

туяларда сайр қилиш имконияти яратилади. Негаки, бу жониворларни миниб сайр қилиш саломатлик учун фойдали.

Мажмуада буюк ҳақимнинг илмий асарлари, кўлёмалари, қўлланма ва рисоалари бурчаги ташкил этилади. Доривор гиёҳлар савдоси йўлга қўйилади.

Мажмуага ташриф буюрувчилар оқими кўпайиши билан бошқа қулайликлар ҳам яратилади. Масалан, камида 100 ўринли тўрт юлдузли меҳмонхона курилади. Бадминтон, стол тенниси майдончалари меҳмонлар хизматида бўлади. Яна бир муҳим жиҳати, Афшонага келувчилар учун арзон ва қулай авиа, темирйўл ҳамда автобус катновлари йўлга қўйилади. Аини пайтда мажмуага элтувчи йўллар, жумладан, қўшни Вобкент тумани орқали бориладиган йўллар таъмирланади. Бу борадаги бунёдкорлик ишларига жорий йил сентябрь ойидан киришилади.

– Мажмуада Абу Али ибн Си-

нонинг ҳаёти, ижоди ва фаолиятини тарғиб қилиш мақсадида олимлар иштирокида семинарлар, учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказилади, – дейди **Пешку тумани ҳокимининг инвестиция ва туризм масалалари бўйича ўринбосари Шохрух Омонов**. – Шунингдек, юртимиздаги тиббиёт муассасалари ходимларининг мажмуа ва унинг яқинидаги буюк ҳақим мемориал музейига сайёҳати йўлга қўйилади. Бу ерда тиббиёт коллежлари битирувчиларининг Абу Али ибн Сино қасамёдини қабул қилиш маросими аънавий мақомга эга бўлади. Тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртлири талабалари ва коллежлар ўқувчилари ўртасида ташкил этиладиган “Абу Али ибн Сино издошлари” республика кўрик-танлови голиблари ҳам ушбу мажмуада тақдирланади.

Яқинда Бухоро вилояти ҳокимлигида Афшонада барпо эти-

ладиган мажмуа қурилишига оид режалар тақдироти бўлиб ўтди. Унда Туркия Республикасининг “Medifemo Assistance” компанияси вакиллари ҳам иштирок этди. Мазкур компания таъсисчилигида ташкил этилган “Alke group companies” компаниясининг 51 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағи ҳисобидан Афшона қишлоғида Абу Али ибн Сино мероси мажмуаси барпо этилади. Бу борада Пешку тумани ҳокимлиги ва “Alke group companies” компанияси ўртасида меморандум имзоланди. Миллий меъморчилик аънава ва услублари, иқлим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланаятган мажмуа лойиҳасини ишлаб чиқиш якунланмоқда. Мажмуа қурилиши жорий йил кузида бошланиб, 2019 йил август ойида ниҳоясига етказилиши мўлжалланган.

ЎЗА.

### УШБУ СОНДА

2

**ҲАР БИР ФУҚАРО  
ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ**

5

**ТАШАББУС, ТАРҒИБОТ,  
АМАЛИЁТ САМАРАСИ**

7

**ФАРЗАНДИНГИЗ  
МАКТАБГА БОРИШГА  
ТАЙЁРМИ?**

Кўшма қарор ижроси

Тошкент тумани

**ҲАР БИР ФУҚАРО ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ**

жойларда ўтказилаётган чуқурлаштирилган тиббий кўрикларда аини шу мақсад устувор

Азалий бир ҳақиқат борки, уни инкор этишнинг имкони йўқ. Яъни, аҳолиси соғлом, фарзандлари баркамол юртнинг келажаги буюк, халқининг ҳаёти фаровон, турмуши обод бўлади. Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар эса аини шу мақсадларга ҳамоҳангдир. Бу борада давлатимиз томонидан ижрога йўналтирилган "Обод маҳалла" дастури фикримиз тасдиғидир. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ишчи гуруҳи тасарруфидаги Кўшма қарор асосида "Саломатлик мактаблари" иш режасига мувофиқ тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

минловчи муҳим меъёрий ҳужжат Кўшма қарор фаолиятларимиз тартибини белгилашда дастурил-амал бўлмоқда. Тиббий кўрикка ташриф буюрган аҳоли билан мулоқотлар чоғида уларга соғлом турмуш тарзи, соғлигини асрашда тиббиёт ходимига, аввало, ҳар бир фуқаронинг ўзи кўмакчи бўлиши лозимлиги тушунтирилмоқда. Шунингдек, маҳалла, ҳудуддаги тиббиёт муассасаси ва патронаж ҳамширалари билан ҳамкорлик муносабатларини янада кучайтиришнинг аҳамияти нечоғлик муҳим эканлиги тўғрисида зарурий маълумотлар берилмоқда. Бу каби тадбирлар туманимизнинг барча ҳудудлари кесимида сентябрь ойигача давом эттирилади.

Тиббий кўриклар мобайнида умумий амалиёт шифокори, маҳалла фаоллари ва патронаж ҳамширалари томонидан хонадонларда саломатлик, соғлом турмуш, айниқса, ҳомиладор аёлларга қандай эътибор қаратиш лозимлиги ёритиб берилган бадиий саҳна кўриниши намойиш этилди. Буни тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдириши баробарида, ўзлари учун зарурий хулосаларни чиқариб олишда асосий туртки бўлди, дейиш мумкин.

**Дано ПЛАТОВА,**  
"Келес" кишлоқ оилавий  
поликлиникаси бош  
шифокори:

– Поликлиникамиз 23 минг 504 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатади ва бунинг учун барча имкониятларимиз етарли даражада. Патронаж хизмати билан ҳар бир хонадон, ҳар бир оила қамраб олинмоқда. Бу каби чуқурлаштирилган тиббий кўриклар эса иш фаолиятимизнинг келгуси режаларини белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Сабаби, тиббий кўрикка жалб қилинган ҳар бир фуқаронинг саломатлик кўрсаткичлари мутахассисларимиз томонидан ҳисобга киритилмоқда.

ри қабули шу ернинг ўзиде ташкил қилинган. Ҳар ким ўзи учун керакли мутахассис қабулида бўлиш ва улардан зарурий тавсияларни олиш имконига эга бўлмоқда. Текширувга келаётганлар ўртасида ёш болалар, ҳомиладор аёллар, шунингдек, кекса-нуроний кишилар ҳам бор. Яъни, тиббий кўрикларда халқимиз нақли билан айтганда 7

**Севара ИСМАТУЛЛАЕВА,**  
Тошкент туман тиббиёт  
бирлашмаси бош  
гинеколог:

– Туманимиз миқёсида туғиш ёшидаги, ҳомиладор ва туғруқдан кейинги аёллар билан алоҳида ишлаш тизими йўлга қўйилган. Негаки, бу борадаги фаолиятларни бир мuddат бўлса-да, эътибордан четда қол-



Жумладан, халқимиз саломатлигини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги топириғига биноан ҳудудлардаги тиббиёт муассасалари ва алоқадор ташкилотлар ҳам-

тага ўзининг ижобий самарасини беради. Бу натижалар соғлиқни сақлаш тизими фаолиятининг сифат даражаси тубдан яхшиланиши, тиббиётнинг аҳолига янада яқинлашиши, энг муҳими, аҳоли



корлиғида жойларда аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш тадбирлари ўтказилмоқда.

Жорий йилнинг 27 июль куни Тошкент тумани Келес шаҳрида жойлашган Маиший хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи биноси ҳудуд аҳолиси билан гавжум бўлди. Сабаби, шу куни туман тиббиёт бирлашмаси ва "Келес" кишлоқ оилавий поликлиникаси мутахассислари томонидан аҳоли саломатлигини профилактик назоратга олиш, аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган тиббий кўрик ташкил қилинди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ишчи гуруҳи тасарруфидаги Кўшма қарор ижросини таъминлаш бўйича Тошкент шаҳри, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари кесимидаги мониторинг гуруҳи раҳбари Саодат Хамидова ҳамда ишчи гуруҳ аъзоси Нилуфар Рўзиева иштирок этди.

**Ҳикмат ИСОМУҲАМЕДОВ,**  
Тошкент туман тиббиёт  
бирлашмаси бошлиғи:

– Бугун мамлакатимиз тиббиётда амалга оширилаётган ҳар бир ислохот, шубҳасиз, эр-



саломатлиги кўрсаткичининг ортиб бориши билан намоен бўлади. Биргина бирламчи бугун тизимда амалга оширилаётган фаолиятларни олиб қарайлик, патронаж хизмати, "Саломатлик мактаблари" ва улар ҳамкорлигининг юксак кўриниши – чуқурлаштирилган тиббий кўриклар. Ушбу жараёнлар бир қарашда содда кўрингани билан бунинг замирида мамлакатимиз келажаги, жамият фаровонлиги мужассам. Шулардан келиб чиққан ҳолда, бир қатор вазирлик ва идораларнинг халқимиз саломатлигини асраш борасидаги ҳамкорлигини таъ-



Натижалар таҳлили эса келгуси вазифаларимизни белгилаб беради. 26 июнь куни туманимиздаги Ҳасанбой номи маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолининг 440 нафари 19-сонли умумтаълим мактаби биносида тиббий кўриқдан ўтказилди. Бугунги тадбирда эса ҳозирга қадар шифокорлар қабулида бўлганлар сонини 350 нафарни ташкил этмоқда ва гувоҳи бўлиб турганингиздек бу жараён давом этмоқда. Тиббий кўрикларни аҳоли учун қўлайлик деб биламан. Боиси, барча йўналишдаги тор соҳа мутахассисла-



ёшдан 70 ёшгача қамраб олинмоқда. Аҳолининг миннатдорлиги эса фаолиятларимиз тўғрисида мақсадларга йўналтирилганлигидан далолатдир.

Тиббий кўрик жараёнлари би-

дириш мумкин эмас. Эҳтимол натижаларимиз эътироф этиш даражасида эмасдир, бироқ бирламчи тизимдан тортиб, туман тиббиёт бирлашмаси фаолиятида ҳам тизим назорати кучайти-



рилган. Бугунги тиббий кўрикка ҳам мутахассисларимиз томонидан тўғри овқатланиш, ҳомиладорлик даврини тўғри ўтказиш ҳамда оналар ва болалар саломатлиги учун муҳим бўлган маълумотлар берилмоқда. Аслида бу борада ҳудуд ҳамширалари хонадонларда мунтазам тушунтириш ишларини олиб боришди, лекин шундай бўлса ҳам жойларда туғруқ ёшидагилар ҳамда қайнона онахонларимиз иштирокида давра суҳбатлари ташкил этиш керак, деб ўйлайман. Мутахассис сифатида айтишим мумкинки, бундай амалиётлар, албатта, ўзининг ижобий самарасини беради. Барчамизга маълумки, халқимиз орасида бу борада дунёқарашини ўзгачароқ бўлган қайноналаримиз ҳам учраб туради. Аммо улар ҳам ҳомиладорлик давридаги жараёнларни тўғри қабул қилиши лозим. Чунки, ҳар би ҳомиладор аёл ўша оила ёки сулоланинг давомчисини дунёга келтиради. Ҳудди шунингдек, бўлажак оналаримиз ҳам тўғри тушунишлари керакли, уларнинг зиммасида ана шундай масъулият туради. Агар бу жараёнга эътиборсиз бўлмасдан, вақтида шифокор кўригидан ўтиб, мутахассис тавсияларига кўра иш тутса, барчаси мақсадга мувофиқ бўлади.

(Давоми 3-бетда).

## Кўшма қарор ижроси

**Мазкур йўналишдаги тиббий кўриклар айна шу кунги Тошкент вилоятининг Зангиота туманида жойлашган Ибн Сино номли кишлоқ врачлик пунктида ҳам ўтказилди. Тор соҳа мутахассислари қабули, УТТ, ЭКГ ва лаборатория текширувлари ташкил қилинган тadbирда худуддаги 14 та маҳалла фуқаролари фаол иштирок этди.**

Тошкент туманида бўлгани каби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ишчи гуруҳи тасарруфидидаги **Кўшма қарор ижроси таъминлаш бўйича Тошкент шаҳри, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари кесимидаги мониторинг гуруҳи раҳбари Саодат Ҳамидова ҳамда ишчи гуруҳ аъзоси Нилуфар Рўзиева** ушбу худудга ташриф буюриб, тиббий кўрик ва кишлоқ врачлик пунктида олиб борилаётган ишларнинг ҳаққонийлиги билан яқиндан танишди. Хужжатларнинг юритилиши, ижро интизоми, шунингдек, "Саломатлик мактаби" фаолияти бўйича зарурий кўрсатмалар беришди.

**Зилола БУЗРУКОВА, Зангиота туман тиббиёт бирлашмасининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари бўйича бош шифокори муовини:**  
— Мамлакатимиз тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислохотларни ўтган йиллардаги жараёнлар билан таққослаб кўрсак, ижобий маънодаги туб ўзгаришлар яққол намойён бўлади. Биринчи навбатда, халқимизнинг тиббиётга бўлган муносабати ўзгарди. Ўз саломатлигига нисбатан масъулияти ошди, соғлом турмуш тарзи, тиббий маданият борасидаги фикрлари ойдинлашди. Тиббиёт ходимлари ҳам халқ билан ўтказилаётган мулоқотлар орқали касбий маҳоратини ошириш, ўз устида ишлаш борасида тегишли хулосалар чиқармоқда. Бу ишлар, албатта, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз со-

ғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган изчил ислохотлар самарасидир. Бунга қарангки, мазкур фаолиятлар жараёнида, аввало, асосий эътибор оналик ва болалик муҳофазасига қаратилди. Йўналишга оид долзарб аҳамиятта молик меъёрий хужжат қабул қилинди. Унда оналар ва болалар саломатлигини асраш, улар билан



боғлиқ ўлим ҳолатларининг олдини олиш бўйича кескин чора-тадбирлар белгилаб берилди. Бу бежиз эмас, сабаби, соғлом онадангина соғлом фарзанд дунёга келади. Соғлом ва баркамол авлод эса юрт келажагидир. Шуларни инobatга олган ҳолда, республикамизнинг барча худудларида бўлгани сингари Зангиота тумани тиббиёт бошқармаси фаолиятида ҳам мазкур масалаларга алоҳида эътибор билан ёндашилмоқда. Бугунги тиббий кўриклар давр талаби бўлиши баробарида, ушбу вазифалар юзасидан халқ

билан атрофлича мулоқот қилиш имконини бермоқда.

Тадбирни кузатиш жараёнида ишчи гуруҳ аъзолари маҳалла фуқаролар йиғини ва худуддаги аҳоли билан ишлаш масканларига ташриф буюрди. Ўрганишлар жараёнида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар бўйича тақлиф ҳамда топшириқлар берилди. Аҳолининг муурожаатларини қабул қилиш, улар ечимига жиддий ёндашиш, эътиборсизликка йўл қўймайлик, фаолиятларда ҳамкорликка кўпроқ урғу бериш зарурлиги тушунтирил-

ди. Маҳалла миқёсида амалга оширилаётган фаолиятлар юзасидан эса масъул мутасадди асосли мисоллар билан изоҳланган ўз фикрларини билдирди.

**Миркамол Жўраев, Аҳмад Ясавий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси:**  
— Авваллари маҳалла фуқаролар йиғини доирасида аҳоли саломатлиги билан ишлаш бир қадар эътибордан четда қолган экан. Мана, Вазирлар Маҳкамасининг ишчи гуруҳи тасарруфидидаги Кўшма қарор ижроси ҳамда "Обод маҳалла" дастури доирасидаги "Саломатлик мактаблари"

## Зангиота тумани



фаолияти билан маҳалламизда бу борада ҳам кенг қўллами ишлар амалга оширилмоқда. Албатта, ҳамкорликка гап кўп, афзалликлар ҳам. Маҳаллада ҳеч бир фуқаро эътибордан четда қолаётгани йўқ, ижтимоий ҳимояга мухтаж бўлганлар ҳолидан мунтазам хабар олинмоқда. Имоният доирасида ҳоимийлик асосида ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Сўз исботи тариқасида айтишим мумкинки, жорий йил мобайнида маҳалламизнинг икки нафар фуқароси Аълоҳўжа Исроилов ва Раҳимжон Тўлқиновга саломатлигини тиклаши учун умумий 29 миллион сўм ҳоимийлик кўрсатилди. Айна пайтда улар республикамизнинг етакчи клиникаларида бажарилган жарроҳлик амалиётидан сўнг ўзларини яхши ҳис қилмоқда. Бундан ташқари, ногиронлиги бўлган шахсларга ногиронлик арава-чалари ҳам ҳоимийлик асосида тақдим этилмоқда. Шунингдек, гувоҳи бўлганингиздек маҳалламиз фаоллари билан иш олиб борувчи "Саломатлик мактаби" ҳам маҳалла идорасининг биносида жойлашган. Бу эса улар фаолиятдан фуқаролар йиғинининг ҳам доимий хабардор бўлиб боришида муҳим аҳами-

ят касб этмоқда. Булардан халқининг ишончи мустаҳкамланиб, исталган муурожаатларини келиб айтишига замин яратилмоқда. Маҳалла-куй ичида одамлардан саломатлиги ҳақида ҳол-аҳвол сўрасангиз, патронаж ҳамширалари фикри ва кўрсатмалари билан изоҳ беради. Демак, бугун жамият, одамлар фикри, бир сўз билан айтганда, дунёқарашимиз ўзгармоқда. Бу ижобий ўзгаришлар натижаси эса турмуш тарзимизни форовон қилишга хизмат қилмоқда.

Ҳа, булар ижобий ўзгаришлар. Маҳалла ободлиги, турмуш фаровонлиги, жамият раванки йўлидаги мақсадли ҳаракатлар. 27 июнь кунги Зангиота туманидаги ушбу ҳаракатларнинг бир қисмигагина гувоҳ бўлдик. Тиббий кўрик доирасида эса 1 минг 771 нафар фуқаро саломатлигининг ҳозирги ҳолатидан бохабар бўлди. Уйда ёлғиз, ўзгалар кўмагига мухтаж қариялар ва ётоқли беморлар хонадонига патронаж ҳамширалари ҳамда тор соҳа мутахассисларининг ташрифи ўтказилди. Эҳтиёжи борларга уй шароитида тиббий хизмат кўрсатилди.

## Шайхонтоҳур тумани

**Навбатдаги манзилимиз Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманида жойлашган 48-сонли оилавий поликлиника бўлди. Қайта таъмирланишдан сўнг кўркам қиёфа кашф этган мазкур тиббиёт муассасасида ҳам иш қизғин. Тиббий кўриққа ташриф буюраётганлар шифо маскани ходимлари томонидан самимий кутиб олинмоқда.**



Эътиборимизни тортган жиҳати шу бўлдики, поликлиника рўйхатида киритилган ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари мазкур жараёнларни фаол кузатиб бормоқда. Шифо маскани шароити билан танишиш асносида ишчи гуруҳи аъзолари маҳалла фаоллари ва фуқаролар билан ҳам мулоқот олиб бор-

(Давоми. Боши 2-бетда).

ди. Таклифлар ўрганилди, саволларга атрофлича жавоб берилди, амалга оширилиши лозим бўлган масалалар юзасидан тегишли хулосалар чиқарилди.

**Ильсун ЗИГАНШИН, 48-сонли оилавий поликлиника бош шифокори:**  
Муассасамизда 26 минг 601 нафар аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилади. Худудимизда 4 та умумтаълим мактаби, 8 та мактабгача таълим, 6 та ўрта махсус, 4 та олий таълим муас-

сасаси ҳамда 6 та маҳалла фуқаролар йиғини жойлашган. Поликлиникамизда зарурий мутахассисларимиз етарли, бирламча тизим фаолиятида лозим бўлчидиган барча замонавий аппарат-



лар мавжуд. Шунингдек, 440 қатновга мўлжалланган шифо масканимизда 21 ўринли кундузги стационар ҳам ташкил қилинган. Яратилган шароит ва имкониятлардан келиб чиқиб, тиббий кўриклар муддати айнан бир кунга белгиланмаган. Рўйхатга олинган маҳалла фуқаролари йиғининг исталган вақтида келиши мумкин, улар муурожаати, албатта, инobatда олинади. Мутахассисларимиз малакасини мустаҳкамлаб бориш бўйича ҳам тизимли ишлар йўлга

қўйилган. Тор соҳа шифокорлари қабули дейсизми, лаборатория ёки бошқа турдаги таҳлилий текширувлар ўтказиш билан боғлиқ барча имкониятлар бор. Бу шарт-шароитлар, аввало, давлатимиз

ри ҳам қараб турмайди, аксинча, биз билан бирга ҳамжиҳатликда иш олиб боради. Кўшма қарор ижросини таъминлаш брасидаги фаолиятлар ҳамда тиббий кўрикларнинг аҳамияти ҳақида худуддаги маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг фикри билан яқиндан танишдик.  
**Баҳром АСКАРОВ, "Жангоҳ" маҳалла фуқаролар йиғини раиси:**  
— Маҳалламизда 6 минг 440 нафар фуқаро истиқомат қилади. Уларнинг барчасини патронаж хизмати билан қамраб олишда мазкур тиббиёт муассасаси ходимларининг меҳнати катта бўлмоқда. Уйма-уй юриб, ҳар бир хонадонга кириб, оила аъзолари билан соғлом турмуш тарзи, саломатликлари тўғрисида мулоқот олиб боради. "Саломатлик мактаблари" ташкил этилган сўнг, мазкур ишлар кўлами янада кенгайди. Бу ислохотлардан ҳар бир фуқаро мамнун, албатта. Сабаби, бирламчи тизим фаолияти орқали аҳоли саломатлиги тўлиқ муҳофазага олинмоқда. Табиийки, бунинг натижасида касалликларнинг ривожланиши, асорати кучайиб кетиши, энг муҳими, аҳолининг соғлигини тиклашдаги орқича ҳаракатларнинг олди олинади. Бу эса оилаларнинг иқтисодий фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 4-бетда).



Қарор ва ижро

# ТАШАББУС, ТАРҒИБОТ, АМАЛИЁТ САМАРАСИ

1983 йил, Люк Монтанье, Роберт Галло. Келтирилган йил, Париж ва америкалик ушбу олимларнинг номини эшитган тиббиёт ходимлари тасаввурда, шубҳасиз, ОИВ инфекцияси ва унинг салбий оқибатлари намоён бўлади. ОИТС касаллигини келтириб чиқарувчи ва ҳанузгача тўлиқ давоси топилмаган мазкур вирус бугун дунёнинг бирорта ҳам давлатини четлаб ўтмаётганлигини эса барчамиз яхши биламиз. Мутахассисларнинг фикрича, бу борада энг самарали йўл – инфекцияга қарши кенг жамоатчилик ҳамкорлигида оммавий курашиш.



"Биз ОИВ инфекциясига қаршимиз"! Жорий йилнинг 19 июль куни Гулистон шаҳрида ўтказилган акция тадбири ана шу мавзуга бағишланди. Сирдарё вилоят ОИТСга қарши кураш маркази томонидан вилоят ҳокимлиги, прокуратураси, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Ёшлар иттифоқи ва алоқадор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган анжуман кенг жамоатчилиكنи бир мақсад йўлида бирлаштирди. Йўналишни вилоят ҳокимининг ўринбосари Отабек Абдуғаниев кириш сўзи билан очиб, тадбирнинг мазмун-моҳияти, ундан кўзланган мақсад вазифаларга атрофлича тўхталиб ўтди. Жумладан, мазкур хасталик билан боғлиқ муаммолар нафақат соҳа мутахассислари, балки бутун жамиятни ўйлантириши ва унга қарши курашиш аудитория танламаслигини таъкидлади. Шундан сўнг вилоят прокурорининг ўринбосари Баҳромжон Қаноатов сўзга чиқиб, тадбир иштирокчиларига ОИВ инфекцияси ҳамда унинг салбий оқибатлари бўйича ҳудуддаги ҳолат, рақамлар ва далиллар асосида маъруза қилди. Шунингдек, инфекциянинг мамлакат тараққиётига салбий таъсири хусусида сўз юритиб, бу борада ёшларнинг хабардорлигини кучайтириш даврининг муҳим талабларидан бири эканлигига эътибор қаратди. Тадбирда шунингдек, Республика ОИТСга қарши кураш маркази директорининг ўринбосари Фуломжон Ражабов ва марказ мутахассислари томонидан ОИВ инфекцияси, дунё бўйича у билан боғлиқ аниқланган ҳолатлар ҳамда касалликка қарши курашишда мамлакатимизда олиб борилаётган фаолиятлар тўғрисида иштирокчиларга батафсил маълумот берди. Айниқса, Президентимиз томонидан яқинда қабул қилинган соҳага оид меъёрий ҳужжат

мазкур жараёнда зарурий чора-тадбирларни амалга оширишда дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганлигини алоҳида таъкидлади.

**Отабек АБДУГАНИЕВ,**  
**Сирдарё вилояти**  
**ҳокимининг ўринбосари:**  
– Ушбу акцияни ўтказиш



бўйича вилоят ОИТСга қарши кураш марказининг ташаббуси ҳокимлик томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди ва ҳамкор ташкилотларни жалб этишда амалий кўмак берилди. Сабби, бугунги кунда мамлакатимизда ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислохотлар замирида мамлакатимизни янада ривожлантириш, жамият форовонлигини ошириш, шу билан бирга, аҳоли саломатлигини асраш, келажақ авлод вакилларини соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш устувор вазифа этиб белгиланган. Улар ижросини таъминлаш эса бугун айнан бирон бир соҳа ёки тизимга эмас барчамизга бирдек масъулият юклайди. Шуларни инобатга олган ҳолда, бу каби ижтимоий аҳамиятга молик акция лойиҳаларини биргина туман, шаҳар эмас вилоят, зарур бўлса, республика миқёсида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Негаки, миллил таълим соҳасида, жамият рақам топади, жамият

равнақи эса мамлакат тараққиёти демакдир. Шунингдек, айнан тиббиёт соҳасида акс этаётган бу каби ҳамкорликдаги фаолиятларни бошқа йўналишларда ҳам кучайтириш лозим. Шу маънода ўйлаётганимиз, ушбу тадбир ва ундан қутилаётган натижалар ўзининг ижобий самараси билан вилоятимизда аҳоли саломатли-



гини таъминлашга муносиб ҳисса қўшади.

Дарҳақиқат, соғлиқни сақлаш тизимида бошқа ҳудудлар сингари бугун Сирдарё вилоятида ҳам изчил фаолиятлар йўлга қўйилган. Хусусан, аҳоли саломатлигини таъминлаш, уларга кўрсатилаётган тиббий

хуудлар, яъни маҳалла, хонадон ва ёшлар ўртасида тушунириш ишлари олиб борилди. Бугун эса мазкур фаолиятлар натижасининг бир кўринишини ўзимиз учун сарҳисоб қилаямиз. Етакчи мутахассислар иштирокида маъруза ва жонли мулоқот ўтказилди. Узро савол-жавоблардан хулоса чиқариш

**Валижон ШЕРМАТОВ,**  
**Сирдарё вилоят ОИТСга**  
**қарши кураш маркази**  
**бош шифокори:**

– Биласизми, бугунги кунда нафақат ёшлар, умуман, омма эътиборини бир мақсадга жалб этиш ниятда мушкул вазифа. Бунинг учун замонавий ёндашувлар асосида иш юритиш керак бўлади. Шунга кўра, ОИВ инфекциясига қарши кураш тарғиботларини айнан акция кўринишида ўтказишни жоиз топдик. Тарғибот ишларини кўча ва аҳоли гавжум ҳудудларда ижтимоий видеоролик ва таъсирчан баннерлар ёрдамида олиб бордик. Мазкур акция тадбиримиз икки босқич, ёшлар ўртасида спорт мусобақалари ва анжуман кўринишида ўтказилди. Энг муҳими, акцияимиз ҳали давом эттирилади. "Биз ОИВ инфекциясига қаршимиз" бу биринчи широримиз. Кейинги босқичларда оила, маҳаллалар қамровида олиб борилади. Шу орқали вилоят аҳолисини акция доирасига қамраб олиш назарда тутилган. Бундан ташқари, бугунги кунда Президентимиз таъкидлаганидек, фойдалигимизга инновацион усулларни татбиқ этаёلمиз. Мисол учун, ижтимоий тармоқ орқали мутахассисларимиз ва аҳоли ўртасида тўғридан-тўғри



хизматлар сифатини янада яхшилаш борасида зарурий чора-тадбирлар белгилаб олинган.

**Акбар МИРЗАХАНОВ,**  
**Сирдарё вилоят соғлиқни**  
**сақлаш бошқармаси**  
**вазифасини бажарувчи:**  
– Жамоат саломатлигини сақлаш, аҳоли ўртасида касалликлар бўйича тарғибот ишларини олиб бориш, айниқса, бу борадаги фаолиятларга кенг жамоатчилиكنи жалб этиш бугуннинг долзарб масалаларидан биридир. Бу ўз навбатида ҳамкорликда иш юритишни тақозо этади. Бундан ташқари, фуқароларимиз ҳам соғлиғи учун, аввало, ўзларида масъулиятни кучайтириши лозим. Шуларни инобатга олган ҳолда, соғлиқни сақлаш бошқармаси вилоят ОИТСга қарши кураш маркази билан бошқа алоқадор ташкилотлар ҳамкорлигида ОИВ инфекциясига қарши акция ташкил қилинди. Акция доирасида

лашда эса изчиллик билан иш тутишимиз, ижро назоратини янада кучайтиришимиз талаб этилади.

Ҳа, ижтимоий аҳамиятга эга мазкур тадбирга ёшларнинг кенг кўламда қамраб олинганлиги чиндан ҳам аҳамиятга моликдир. Улар ўртасида олиб бориладиган тарғибот ишлари, эришилаётган натижалар ва келгусидаги вазифалар хусусида мутахассис куйидагиларни баён қилди.

**Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ижтимоий аҳамиятга молик тадбир кўтаринки кайфиятда, кизикarli савол-жавоблар остида ўтди. Айниқса, мазкур хасталикка қарши мунтазам даволаниб келаётган беморнинг ўз кечинмалари, афсус ва надоматларини баён қилиб бериши тадбир иштирокчиларида катта таассурот уйғотди. Уйлаймизки, бундан ёшлар ўзлари учун тегишли хулосалар чиқариб олди. Тадбир доирасида акция голибларини тақдирлаш, танikli санъаткорлар томонидан бадиий чиккишлар ҳамда "Одам савдоси" ва ОИТС касаллигининг салбий оқибатлари акс эттирилган сахна кўринишлари намойиш этилди.**

**Ҳасан АБДУГАНИЕВ.**  
**Муаллиф олган суратлар.**

Бир бахтсиз ҳодиса туфайли инсон ногирон бўлиб қолиши, жамиятга фаол аралаша олмаслиғи мумкин. Юртимизда инсон омили энг юқори ўринда туриши боис, ҳар бир шахснинг бахтли ва тўқис ҳаёт кечириши учун барча қулайликлар мавжуд. Хусусан, мавзуга оид қонунда аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш, уларнинг бе-миннат тиббий ёрдам олиши,

## ҚОНУН ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

меҳнатга лаёқатсизлигини экспертизаялаш масалалари ўз ифодасини топган.

Жамоамиз айнан мана шу қонун доирасида турли сабабларга кўра ўз соғлиғини йўқотган инсонларни яна меҳнат фаолиятига қайтариш, вақтинча ёки турғун меҳнатга лаёқатсизлик

ҳолатини тиклаш, қолаверса, соғлиғини йўқотган кишиларда ногиронлиқнинг олдини олиш борасида кенг қамровли профилактик ишларни амалга ошироқда.

Комиссия шифокорлари томонидан касаллик турини, асоратлари ва даволаниш натижасидаги оқибатларни эътиборга олган

ҳолда, реабилитация даражаси юқори бўлганларга малакали ижтимоий ёрдам кўрсатилмоқда. Чекка ҳудудларда оғир ётган бемор ва ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш мақсадида сайёр тиббий кўриқлар ўтказилиб, уларга зарур тавсиялар берилмоқда.

Келгусида ҳам асосий эътиборимизни бемор ва ногиронлиги бўлган шахсларни даволаш, умуман, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратиб, белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қарата-

**Отабек ХУРРАМОВ,**  
**Қашқадарё вилояти бош**  
**ТМЭК раиси ўринбосари.**



## Мутахассис фикри

## ФАРЗАНДИГИЗ МАКТАБГА БОРИШГА ТАЙЁРМИ?

Хар бир ота-она фарзандининг келажақда турли фан олимпиадаларида қатнашиб фанлари ўринларни эгаллаши, ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишишни истайди. Шу боис, ўғил-қизининг 1-синфга қадам қўйиши ҳар бир ота-она учун катта бахт ҳада этади. Албатта, бу жараёнда боланинг мактабга тайёрлиги муҳим аҳамият касб этади. Яъни, мактаб ёшига етишида унинг жисмоний, руҳий ва ақлий ривожланиши, айниқса, саломатлиги мустақкам бўлиши зарур. Бир сўз билан айтганда, боланинг ўсиши ва ривожланиши қанчалик ёшига монанд бўлса, шунчалик мактаб ҳаётига мослашув жараёни осон кечади.

## Соғлом турмуш тарзига эътибор

Маълумки, ўсиб келаётган ёш авлодининг ҳар қандай янги шароитга мослашувида оиладаги соғлом муҳит ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Чунки унинг дастлабки тасаввурлари, ён-атрофдагилар билан мулоқот қилиш кўникмалари, аввало, оилада шаклланади. Шунинг учун отанинг берган тарбия ва кўникмалари боланинг таълим жараёнидаги қоидалар, у учун янги бўлган шароитга тезда мослашишига ёрдам беради. Мактаб ҳаёти, кун тартиби бола учун ўзига яраша доимий равишда жисмоний ва ақлий юклама бўлиб,

бу шароитга мослашиши, янги билимларни эгаллаши ва эслаб қолиши учун анчагина куч талаб этилади. Бунинг учун соғлом овқатланишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Кундалик таомномада гўшт ва сут маҳсулотлари, витаминга бой мева-сабзавотлар бўлиши керак. Шу билан бирга, шахсий гигиена қоидалари ҳамда кун тартибига қатъий риоя этишга ундайди. Агар бола суткасига 8 соатдан кам ухласа, дарс пайтида чарчаб, уйку босиши ва ўқув машғулотларини ўзлаштиришида қийналади. Бу ҳолат кузатилмаслиги учун жисмоний фаол бўлиши, яъни эрталаб бадантарбия билан шуғулланиши, сузиш машғулотига қат-

наш, тоза ҳавода сайр қилиш, велосипедда учиб тавсия этилади.

## Нафақат жисмонан, балки руҳан тайёр бўлиши керак

Бунинг баробарида, болани мактабга руҳан тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ўқув қуролларини харид қилаётганда унинг ўзи танлашига имкон бериш керак. Ота-оналар болада меҳнатсеварлик, сабр-тоқат ва ҳар бир ишга жиддий ёндашиш ҳиссини шакллантиришлари лозим. Бошланган ишни охиригача етказиш кераклигини ўргатиш, унинг дарс тайёрлашда масъулиятли бўлишини таъминлади. Уй вазибаларига ёрдам бериш, кейинчалик эса ўзи мустақил бажаришини назорат қилиш мақсадга мувофиқ. Агар ота-оналар мослашиш даврида фарзандига ишонч билдиришмаса ва ижобий муносабатда бўлишмаса, унда кўрқув ва ҳарфаласизлик пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун оилада тинч-тотувлик ва ўзаро самимий муносабат қуришини таъминлаш керак. Дарсдан сўнг бола билан



шуғулланиш, унга вақт ажратиб, турли уйинлар ўйнаш унинг билим доирасини кенгайтиши, мустақил фикрлаш ҳамда мантикий ёндашиб, дунёқарашининг шаклланишига замин яратади. Шунингдек, эртақлар ўқиш, ҳикоялар гапириб бериш боланинг нутқини раво, хотирасини мустақкам қилади.

Шуни унутмангки, боланинг мактаб ҳаётига жисмоний ва руҳий тайёргарлиги унинг таъ-

лим муассасасида таҳсил олишида ёрдам беради. Шундай экан, ота-оналар ушбу жараёнга бефарқ бўлмай, жиддий ёндашишлари, фарзандлари билан шуғулланишлари зарур.

**Зулхумор МУТАЛОВА,**  
Республика Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти директори.

## Актуальная тема

## ВЛИЯНИЕ ВЫСОКОЙ ТЕМПЕРАТУРЫ ВОЗДУХА НА СОСТОЯНИЕ ОРГАНИЗМА

Одним из основных гомеостатических показателей теплокровных животных и человека является постоянно температура тела в пределах 37°. Это постоянно поддерживается сложными центральными и периферическими механизмами, которые называются терморегулирующими системами. Центр терморегулирующей системы расположен в подкорковых образованиях центральной нервной системы.

Воздействие очень высоких или низких температур внешней среды может нарушить деятельность терморегулирующей системы и вызвать в организме нарушение теплообмена, что приводит соответственно к перегреву или переохлаждению организма. При высокой температуре воздуха организм подвергается тепловому излучению. Постоянство температуры тела в таких случаях поддерживается терморегулирующей системой путем испарения жидкости потовыми железами (потоотделением).

Исследованиями обнаружено, что потеря массы тела на 2 – 3 % путем испарения влаги достаточна для обезвоживания организма. Испарение влаги телом, сопровождающееся потерей массы на 6 % влечет за собой нарушение умственной деятельности, снижение остроты зрения, а на 15 – 20 % приводит к смертельному исходу. Температура воздуха более 30 °C снижает работоспособность человека. Так, повышение температуры с 25 до 30 °C в прядильном цехе приводит к снижению производительности труда на 7 %, производительности труда работников машиностроительного предприятия при температуре 29,4 °C снижается на 13 %, а при температуре 33,6°С на 35 %.

Длительное воздействие нагревающего микроклимата приводит к тому, что терморегулирующая система организма не справляется со своей функцией и происходит перегревание тела (повышение температуры тела по сравнению с нормой – тепловой удар). К симптомам теплового удара относятся одышка, покраснение кожи, слабость, головокружение, потемнение в глазах, тошнота, сухая и более горячая, чем обычно кожа, учащение дыхания. При тяжелых формах – потеря сознания, судороги. В условиях жар-

кого климата одним из видов теплового перегрева организма является солнечный удар. Прямые лучи солнца, несущие в себе УФ-лучи, интенсивность которых высока в жаркие дни, оказывают негативное действие на организм. Наибольший риск получения солнечного удара вероятен при прямом падении солнечных лучей на непокрытую голову. Чем выше интенсивность УФ-лучей, тем выше риск получения солнечного удара за короткое время нахождения в открытом пространстве. Высокая интенсивность теплового излучения солнечных лучей способствует ускоренному перегреванию головного мозга, нарушению в нем кровоснабжения. При этом общего перегревания организма может и не наблюдаться, но субъективно пострадавший ощущает общую слабость, чувство недомогания, головную боль, головокружение, снижение концентрации внимания, мелькание «мушек» перед глазами, стеснение в грудной клетке, шум в ушах, иногда носовые кровотечения, тошноту, рвоту, расстройство стула. Кожа лица становится красной, усиливается потоотделение. В тяжелых случаях возникают выраженные нарушения со стороны центральной нервной системы: заторможенное сознание, резкое возбуждение, судороги, непроизвольные движения, галлюцинации, бред. Самым коварным аспектом теплового перегрева является то, что человек сам не ощущает симптомов приближающейся беды.


Падение прямых солнечных лучей на открытые участки тела также не безопасно и для кожного покрова. УФ-лучи при чрезмерном воздействии солнечных лучей вызывают воспаление кожи. При этом симптомы воспаления проявляются не сразу, а через определенное долгое время. Клинически оно проявляется как результат действия

бомбы замедленного типа. К разновидностям воспаления кожи под воздействием солнечных лучей относятся солнечный ожог, солнечная эритема, солнечный дерматит. Иногда явные симптомы солнечного ожога могут и отсутствовать, но длительное пребывание на солнце все равно сказывается на коже, повышая риск образования морщин, веснушек и рака кожи.

Особенно повышенной чувствительностью к жаре обладают пожилые люди и младенцы, а также люди, болеющие сахарным диабетом, сердечно-сосудистыми заболеваниями, гипертонией и страдающие хронической кислородной недостаточностью. И если у кого-то вы заметите симптомы теплового перегрева, настаивайте на том, чтобы он пошел в тени, дайте попить холодной воды, обрызгайте его холодной водой. Если вам придется оказать первую медицинскую помощь пострадавшему, то первым делом уложите больного, освободите от стесняющей шею, грудь одежды, положите на голову холодный мокрый компресс, обмахивайте пострадавшего частыми движениями, напоите большим количеством воды, контролируйте состояние больного, разговаривая с ним. Это необходимо делать для того, чтобы вовремя заметить ухудшение его состояния. Например, если вы заметите, что он перестает вам отвечать и начинает терять сознание, то необходимо поднесите к его носу нашатырный спирт. В случае тошноты или рвоты переверните пострадавшего на бок, чтобы он не захлебнулся рвотной массой.

## К мерам соблюдения профилактики теплового перегрева в летние дни относятся:

- слежение за своим самочувствием, не допущение потери воды, перегревания;
- употребление достаточного количества жидкости (минеральная вода, соки, компоты) не менее 3 литров в сутки;
- сквозное проветривание помещений;
- закрытие окон светоотражающей тканью (белые и красные цвета обладают наибольшей способностью отражать УФ-лучи);



- ношение легкой, светлой одежды, из натуральных тканей, легко проветриваемой (хлопок, лен) и не препятствующей испарению пота;
- исключение из рациона жирной, калорийной пищи. Больше употребляйте кисломолочные продукты и овощи;
- старайтесь как можно меньше бывать на солнце в сильную жару;
- защищайте голову легким, светлым головным убором, который легко проветривается, а глаза – темными очками;
- избегайте нахождения на открытых пространствах с прямыми солнечными лучами (особенно в период активного солнца: с 12.00 до 16.00);
- перед выходом на улицу наносите на открытые участки кожи солнцезащитные средства с максимальной защитой (SPF50+);
- старайтесь не пользоваться косметикой и парфюмерией, содержащие эфирные масла. Они повышают восприимчивость кожи к ультрафиолету;
- время от времени протирайте лицо платком, смоченным в прохладной воде;
- по возвращении домой нанесите на кожу восстанавливающий и увлажняющий крем;
- при ощущении недомогания обратитесь за помощью.

**Азизова БИБИГУЛЬ,**  
санитарный врач  
Республиканского ЦГСЭН  
отделения информационной системы  
"Экология и здоровье населения".

## Семинар

ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШДА ЯГОНА  
СТАНДАРТЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Жорий йил 27-28 июль кунлари Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан «Бачадон бўйни, танаси ва тухумдонлар саратонини ташхислаш ва даволашнинг ягона клиник стандартлари» мавзусида халқаро мутахассислар иштирокида семинар-тренинг ўтказилди. Унда ҳиндистонлик етакчи мутахассис, профессор Динеш Пендхаркар ва Республикаимизнинг турли ҳудудларидан онколог шифокорлари иштирок этишди.

Семинарда сўзга чиққанлар ҳозирги кунда дунё миқёсида онкологик хасталиклар асосий тиббий-ижтимоий муаммолардан бири эканлиги тўғрисида сўз юритишди. Шу билан бирга, жаҳонда саратон касаллиги ўлим сабаби бўйича юрак қон-томир хасталикларида кейинги ўринни эгаллаши, 2015 йилда ундан 8,8 миллион нафар бемор вафот этганлиги ҳамда ушбу мавзу долзарблигини алоҳида таъкидлади.

**Нозима УМАРОВА,**  
Республика  
ихтисослаштирилган  
онкология ва радиология  
илмий-амалий тиббиёт  
маркази етакчи  
мутахассиси,  
онкогинеколог, тиббиёт  
фанлари номзоди:

– Мазкур семинар аёллар жинсий аъзолари, яъни бачадон бўйни, танаси ва тухумдонлар саратонини ташхислаш ҳамда даволаш бўйича республикамизда ягона клиник стандартларни яратиб юзасидан ҳиндистонлик мутахассис билан тажриба алмашиш имконини берди. Машгулотлар муҳокама тарзда ўтказилиб, тузилган ишчи гуруҳ билан ягона хулосага келинди ва режалар тузиб олинди. Дунё тажриба-

сидан маълумки, ушбу айтилган аъзолардаги саратон касаллигини ташхислаш ва даволашни йўлга қўйишда янги усуллар татбиқ этилмоқда. Айтмоқчиманки, аёллар репродуктив саломатлиги, жинсий аъзолари ўсма касалликлари асосий эътибор талаб этади. Ачинарлиси, ушбу касалликлар вақтида аниқланмай, кўпинча кечки босқичда, асоратланган ҳолларда маълум бўлиши мумкин. Айтиш жоизки, сўнгги йилларда бу асосан фертиль ёшдаги аёлларда учрамоқда. Шу боис, республикамизнинг барча вилоятларидан кимётерапия ва онкогинекологлар мазкур семинарда жалб этилиб, уларнинг малакаси оширилмоқда. Икки кунлик семинар давомида ташхислаш ва даволаш учун ягона клиник стандартлар мамлакатимиз шароитига мос йўналишда ишлаб чиқилди.

Тадбирда таъкидланганидек, эрта ташхислаш ва вақтида даволаш йўлга қўйилган ҳолларда 30-50 фоиз саратон касаллигининг олдини олиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси до-

ирасида мамлакатимизда Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг тавсиялари асосида «Бачадон бўйни саратонининг скрининг дастури» ишлаб чиқилмоқда. Эндликда барча онкологик муассасаларда текшириш ва даволаш ишлари ягона стандартлар бўйича олиб борилади.

– Саратон, хусусан, бачадон бўйни, танаси ва тухумдонлар саратони бугунги кунда бутун дунёда тез-тез учраб, ёшариб бормоқда, – дейди **ҳиндистонлик профессор Динеш Пендхаркар**. – Маълумотларга таяниб айтилган бўлсак, саратон касаллиги жаҳонда деярли ҳар олтинчи ҳолатда ўлимга сабаб бўлади. Аёллар жинсий аъзолари саратони онкологик хасталиклар билан касалланиш структурасида тўртинчи ўринни эгаллайди. Ташхислаш мураккаблиги туфайли тухумдонлар саратони 70-80 фоиз ҳолатларда 3-4 босқичларда аниқланади. Шу боис, дунё миқёсида мазкур касаллиқнинг олдини олиш, ташхислаш ва даволашда янги стандартларни ишлаб чиқишда ва амалиётга татбиқ этишда. Шу билан бирга, олимлар аёлларга касалликка қарши эмлаш чораларини кўришни тавсия этишди. Мазкур семинарда «Онкокасаликларни ташхислаш ва даволашда ягона клиник стандартларнинг замона-

вий ёндашув билан олиб бориш» мавзусида маъруза қилдим. Ўзбекистонда тиббиёт яхши йўлга қўйилган. Кундан-кунга ривожланиб, кўплаб муваффақиятларга эришилмоқда. Муҳими, давлатингиз томонидан катта эътибор берилмоқда. Кузатдимки, шифокорларингизнинг ҳам билим ва тажрибаси етарли.

Шунингдек, семинарда «Ўзбекистон Республикасида бачадон бўйни саратони скрининги ўтказишнинг афзалликлари», «Фертиль ёшдаги тухумдонлар саратони билан касалланган аёлларни даволаш хусусиятлари» мавзусида маърузалар қилиниб, ўзаро тажриба алмашилди.

– Ушбу семинар-тренинг фаолиятимизда янгиликлар, амалиётимизда замонавий даво усуллари қўллашга доир билим ва кўникмаларимизни яна бойитишга хизмат қилади, – дейди **Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд вилояти филиали онкогинекология бўлими бошлиғи Феруза ОРИФОВА**. – Ҳамкасбларимиз билан соҳадаги янгиликларни ўзлаштириш бўйича

ўзаро мунозаралар ўтказдик. Муассасамизда ҳисобда турган онкологик беморлар 8 минг нафарни ташкил қилади. Филиалимизда нур аппаратининг мавжуд эмаслиги сабабли бачадон бўйни саратонини тўлиқ даволаш имконияти йўқ. Лекин жорий йилнинг сўнгига қадар бу муаммони бартараф этиш кўзда тутилган. Касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал дейишди. Шу боис, аҳоли орасида ушбу хасталик профилактикасига доир тарғибот ишларини олиб бораёмиз. Яқинда Самарқанд вилояти Кўшработ сумани Жўш қишлоғида аёлларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказдик. Бу жараёнда муассасамизнинг 25 нафари қатнашиб, беморларга ўз тавсия ва маслаҳатларини беришди. Шаҳсан ўзим 40 нафардан ортиқ беморни кўриб, саратон олди касалликларини аниқладим. 300 дан зиёд аёлларга энг кўп учраётган бачадон бўйни, сут бези ракинни илк босқичда ва эрта аниқлаш бўйича тушунтириш бердик. Бу ишларимиз мунтазам бошқа туманларда ҳам амалга оширилмоқда.

Семинар-тренинг давомида бачадон бўйни, танаси ва тухумдонлар саратонида ташхислаш ҳамда даволашнинг клиник стандартлари муаммолари муҳокама ўтказилди. Ушбу касалликларни NCCN, ESMO каби дунё миқёсидаги ташкилотларнинг ташхислаш ва даволаш стандартларини Ўзбекистон Республикасида мослаштириш моделлари муҳокама қилинди. Иштирокчилар бошқа аъзолар ўсма касаллиқлари бўйича ҳам ташхислаш-даволаш ишларини босқичма-босқич муҳокама қилиш ҳамда икки давлат орасида тиббиёт соҳасидаги ҳамкорликни давом эттириш ҳақида келишиб олдилар.

Жонибек МАЪРУПОВ.

## Жараён

## ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ ОШМОҚДА



**Қизилқум жавоҳири – Учқудуқ туманида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Учқудуқ туман тиббиёт бирлашмасининг марказий шифохонасида амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳам аҳоли учун қулайлик яратаётди. Бу ерда жами 80 ўринли юқумли касалликлар, терапия, жарроҳлик, болалар ҳамда хомилдор аёллар хасталиги, гинекология, шошилинч тиббий ёрдам, реанимация бўлимлари ташкил қилинган.

Жорий йилда туғруқона бўлими ҳам иш бошлади. Мазкур маскан «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида 255 миллион 873 минг сўмлик замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди.

ЎЗА.



## Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми?

Нашр индекси: 128

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2018 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обуна мавсуми давом этмоқда.

Газета  
муассиси:  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Соғлиқни  
сақлаш  
вазирлиги

Бош муҳаррир  
**Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ**  
Бош муҳаррир ўринбосари  
**Ибодат СОАТОВА**

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри,  
Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни  
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят  
компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди.

Адади 2814 нусха.  
Буюртма Г-837.

Газета «ШАРК» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида  
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚУШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.